

Сектор раҳбарларининг навбатдаги сайёр қабули "Орол" маҳалласида ўтказилди



Аҳоли муурожаатларини жойига борган ҳолда тинглаш, ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Термиз туманида сектор раҳбарлари томонидан жойларда сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Бугун навбатдаги оммавий сайёр қабуллар туман сектор раҳбарлари ҳамда туман Халқ қабулхонаси томонидан "Орол" маҳалласида ташкил этилди.

Сайёр қабул давомида 18 нафар фуқаронинг муаммо ва муурожаатлари тингланди. Муурожаатларнинг 4 таси жойида ҳал этилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган муурожаатлар масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.